



ҲИНД ТИЛШУНОСЛИГИ

ҲИНДИЙ ТИЛИДАГИ БИРЛИКЛАРГА ОИД СОНЛАРДАН ЯСАЛГАН “ДВИГУ” СЎЗЛАРИНИНГ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

НУРМАТОВ СИРОЖИДДИН

Филология фанлари номзоди, доцент, ТДШУ

Аннотация. Мазкур мақолада ҳиндий тилидаги бирликлардан ясалган “двигу” сўзлари атроф-лича ўрганилган. Хусусан, уларнинг лисоний хусусиятлари тадқиқ этилган. “Двигу” сўзларининг ўзига хос ясалиш усуллари кўрсатилган. Улар асосан икки компонентдан ташиқил топганлиги, иккала компонентлардаги сўзлар лексик маънога эга бўлиши ва баъзи ҳолларда двигу сўзлари аффикслар ёрдамида ҳам ташиқил топганлиги тадқиқ этилган.

Мақолада бирликларга оид сонлардан “двигу” сўзлари ҳосил бўлганида асосан “бир” саноқ сони фаол иштирок этиши, бошқа сонлардан нисбатан кам сўзлар ҳосил бўлганлиги аниқланган. Таҳлилга тортилган барча сўзлар таркибида сон, от ва баъзи ҳолларда сифатларга оид сўзлар иштирок этганлиги кўрсатиб берилган ва уларнинг барчаси моделларга тақсимлаб ўрганилган. Барча сўзлар ҳинд тилшунослигида тан олинган учта катта гуруҳга, яъни татсама, тадбҳава ва гибрид сўзларига ажратилган ва уларнинг ўзига хос лисоний жиҳатлари таҳлил этилган.

Татсама гуруҳига оид “двигу” сўзларига хос лексемаларнинг биринчи компонентдаги сонлар асосан қадимги санскрит тилидаги сонлардан ташиқил топганлиги ва тадбҳава гуруҳига оид мисоллар таркибида эса ҳозирги адабий ҳиндий тилида кенг қўлланиладиган бирликларга оид сонлар иштирок этиши аниқланган. Гибридларга хос “двигу” сўзлари эса адабий ҳиндий тилига оид саноқ сонларлардан ясалганлиги кузатилади. Шунингдек, гибридларга хос сўзлар таркибида баъзи ҳолларда аффикслар ҳам иштирок этиши мисоллар талқинида очиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: двигу, татсама, тадбҳава, гибрид, бирликлар, саноқ сон, аффикс, морфемика, композиция, морфонология.

Аннотация. В этой статье подробно изучаются слова «двигу» состоящие из единиц хинди. В частности, изучены их языковые особенности. Были показаны конкретные способы составления слов «двигу». Было изучено, что они состоят в основном из двух компонентов, что слова в обоих компонентах имеют лексическое значение, а в некоторых случаях слова «двигу» также образуются с помощью аффиксов.

В статье было выявлено, что когда слова «двигу» образуются из чисел принадлежащих единицам, в основном активно задействуется число «один», в то время как относительно немного слов формируется из других чисел. Было показано, что все проанализированные слова включают числительные, существительные и в некоторых случаях прилагательные, все из которых были изучены путем моделирования. Все слова делятся на три основные группы, признанные в индийской лингвистике, то есть татсама, тадбхава и гибридные слова, и анализируются их специфические лингвистические аспекты.

Было выявлено, что числа в первом компоненте лексем, характерных для слов двигу, принадлежащих к группе татсама, состояли в основном из чисел древнего санскрита, и что примеры группы тадбхава включали числа из единиц, широко используемых в современном литературном хинди. Замечено, что слова «двигу», характерные для гибридов, состоят из нескольких слов числительных принадлежащих литературному языку хинди. Также, при толковании примеров было выявлено, что в некоторых случаях аффиксы также входят в состав гибридных слов.

Опорные слова и выражения: *двигу, татсама, тадбхава, гибридный, единицы, количественные числительные, аффикс, морфемика, композиция, морфонология.*

Abstract. *This article will explore in detail the Hindi unit words “dwigu”. In particular, their linguistic features have been studied. Specific ways of composing words “dwigu” were shown. It has been studied that they consist mainly of two components, that words in both components have a lexical meaning and in some cases “dwigu” words are also formed using affixes.*

The article found that when the words “dwigu” are formed from numbers “one” is mainly actively used, while relatively few words are formed from other numbers. All analyzed words were shown to include numbers, nouns and in some cases adjectives, all of which were studied through modeling. All words are divided into three main groups recognized in Indian linguistics, namely tatsama, tadbhava and hybrid words and their specific linguistic aspects are analyzed.

It was found that the numbers in the first component of the lexemes characteristic of engine words belonging to the tatsama group consisted mainly of numbers from ancient Sanskrit and that examples of the tadbhava group included numbers from units commonly used in modern literary Hindi. It is noticed that the words “dwigu” characteristic of hybrids consist of several numbers belonging to the literary language of Hindi. Also, when interpreting the examples, it was revealed that in some cases, affixes are also part of hybrid words.

Keywords and expressions: *dwigu, tatsama, tadbhava, hybrid, units, cardinal numbers, affix, morphemic, composition, morphonology.*

Кириш: Таъкидлаш жоизки, ҳозирда юртимизда ғарб тиллари билан бир қаторда, шарқ тилларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Булар орасида Жанубий Осиё минтақасида кенг тарқалган ҳинд-орий тилларини ўрганиш ва улар бўйича илмий ишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Ҳиндистонга қилган икки марта расмий сафарларидан сўнг икки давлат ўртасидаги кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва илмий алоқалар бу тилларни ўрганиш зарурлигини кун тартибига қўйди.

Мазкур мақола ҳинд тилшунослиги анъаналарига кўра қўшма сўзлар орасида нисбатан кам тарқалган двигу сўзларини илмий тадқиқ этиш масалаларига бағишланади. Мақолада бирликлардан ясалган лексемаларнинг структур ва семантик таҳлили амалга оширилади.

Илмий манбаларда қайд этилишича, кўпчилик тилларда “бир” санок сони ва ундан ясалган сўзлар кенг қўлланилади. Бу ҳақида тилшунос олим А.Е.Супрун шундай дейди: «Ҳар бир матнда “бир” санок сонидан ясалган сўзлар 1 % ни ташкил этади ва ундан бошқа сўзлар ҳам ясалади».1 Англашиладики, “бир”, “икки”, “беш” ва бошқа бирликларга оид санок сонлар энг кўп қўлланиладиган сонлар сирасига киради. Мақолада ҳинд халқининг турмуш тарзида кенг қўлланиладиган сонлардан ясалган двигу сўзлари лисоний жиҳатдан атрофлича ўрганилади.

Мақсад ва вазифалар: Мазкур мақолада Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳига хос ҳиндий тилидаги бирликларга оид санок сонлардан ясалган двигу сўзлари структур-семантик жиҳатдан таҳлил қилиниши мақсад қилиб олинган. Ушбу мақсадга эришиш учун мақолада ҳиндий тилидаги бирликларга оид сонлардан ясалган лексемаларни тўплаш, уларни турли хил гуруҳларга тақсимлаш ва структур жиҳатдан таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини турли хил моделларда акс эттириш ва маҳсулдор қолипларни аниқлаш каби вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Усуллар: Тўпланган мисолларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чикиб, улар тарихий, тавсифий, компонент ҳамда статистик методлар асосида таҳлил қилинди.



Натижалар ва мулоҳаза: Маълумки, тилшуносликда “сўз ясалиши” термини икки маънода қўлланилади. 1) тилда янги сўз ҳосил қилиш жараёни; 2) тилшуносликнинг сўз ясалиши тизимини ўрганувчи бўлим сифатида қаралади. Юқоридаги фикрларнинг биринчи қисми айнан тил билан боғлиқ бўлса, иккинчиси сўзларнинг ясалиши тилшунослик фани доирасида талқин қилинади. Умуман сўз ясалиши жараёнини белгилаш унинг қонуниятларини тўғри тушуниш имкониятини беради. Сўз ясалиш тизими морфемика билан узвий боғлиқ. Чунки, сўзнинг маънолари қисмлари морфемалар (ўзак морфема ва аффиксал морфема) тилда янги сўз ҳосил қилишнинг энг муҳим элементларидан ҳисобланади.

Ҳинд тилшунослиги анъаналарига кўра сўзлар таркибий жиҳатдан икки гуруҳга бўлинади. 1) туб сўзлар; 2) ясама сўзлар. Ясама сўзлар ўз навбатида содда ва қўшма сўзларга бўлинади.

Ҳинд тилшуносларининг анъанавий таснифларига кўра қўшма сўзлар 4та асосий гуруҳга бўлинади. Улар мураккаб сўз икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзлардан иборат бўлади. 1) авъяибҳава сўзлари; 2) татпуруша сўзлари; 3) двандва сўзлари; 4) баҳувриҳи сўзлари.

Қўшма сўзларнинг юқорида қайд этилган тўртта турлари асосий ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг ҳар бирининг доирасида яна қўшимча турлар ҳам мавжуд. Санаб ўтилган гуруҳларга қуйида изоҳ бериб ўтамиз.

Икки компонентли қўшма сўзларда уларнинг бўлаклари орасидаги муносабатга кўра тасниф этилади. Яъни, уларнинг ҳоким ёки тобе ҳолида бўлишлари асосий ўрин тутати. Биринчи бўлаги асосий (ҳоким) бўлган қўшма сўзлар авъяибҳава сўзлари деб аталади. Татпуруша гуруҳидаги сўзларда эса иккинчи бўлаги асосий (ҳоким) сўзлар ҳисобланади. Бундай бирикмаларда одатда биринчи бўлак от ва сифатдан ташкил топган бўлади. Двандва - қўшма сўзларнинг ҳар икки бўлаги мустақил бўлган сўзлардир. Баҳувриҳи - қўшма сўзнинг биронта ҳам бўлаги мустақил бўлмай, улар яхлит ҳолда бирор отга нисбатан аниқловчи вазифасини бажаради. Татпуруша сўзларининг қўшимча гуруҳи двигу сўзлари бўлиб, уларнинг биринчи компоненти сонлардан ташкил топади.

Мазкур мақолада юздан ортиқ двигу гуруҳига оид қўшма сўзлар таҳлил қилинди. Улар орасида аксарият сўзлар “бир” санок сонидан ясалганлиги маълум бўлди. Қолган сўзлар бошқа бирликларга оид сонлардан ясалганлиги таҳлил жараёнида кузатилди.

Ҳиндий тилидаги бирликларга оид санок сонлардан ясалган сўзлар этимологиясига кўра учта катта гуруҳга оид деб топилди. Татсама гуруҳига оид, яъни санскрит тилидан бевосита адабий йўл орқали ўзлаштирилган, қадимги имловий шаклини сақлаб қолган сўзлар; Тадбҳава гуруҳига хос бўлган, яъни морфонологик ҳодиса туфайли ҳосил бўлган сўзлар; Гибрид, яъни ўзлашма сўзлар таъсири остида ясалган сўзлар.

Татсама гуруҳига оид, яъни санскрит тилидан бевосита адабий йўл орқали ўзлаштирилган, қадимги имловий шаклини сақлаб қолган сўзлар таҳлил қилинди. Бирликларга оид сонлардан ясалган барча сўзлар қуйидаги моделларга бўлиб ўрганилди.

I модел. Ушбу моделга хос бўлган сўзлар таркибида бирликларга оид санок сонлар ҳамда от сўз туркумига оид сўзлар иштирок этган бўлиб, улардан сифат сўз туркумига хос лексемалар ясалган. Масалан:

एकजुट ekjuT “уюшқоқ, бирдам” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + जुट juT “жуфт, гурух” (от); एकजात ekjaT “туғишган” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + जात jaT “ўғил фарзанд” (от); एकरस ekras “бирхил, ўзгармас” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + रस ras “таъм, маза” (от); एकरूप ekruup “бирхил, баравар, тенг, ўзгармас” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + रूप rup “шакл, кўриниш” (от);



द्विपक्षी dvipakshii “икки томонлама” (сифат) = द्वि dvi “икки” (сон) + पक्षी pakshii “қуш, тарафдор” (от); द्विपद dvipad “икки оёқли” (сифат) = द्वि dvi “икки” (сон) + पद pad “оёқ” (от).

त्रिकोण trikon “уч бурчакли” (сифат) = त्रि tri “уч” (сон) + कोण kon “бурчак” (от); त्रिकांड trikaand “уч қисмли” (сифат) = त्रि tri “уч” (сон) + कांड kaand “қисм, бўлим” (от).

चतुर्दिक् chaturdik “тўрт томонлама, ҳар тарафлама, атрофлича” (сифат) = चतुर chatur “тўрт” (сон) + दिक् dik “томон, йўналиш” (от); चतुष्कोण chatuShkon “тўрт бурчакли” (сифат) = चतुष् chatush “тўрт” (сон) + कोण kon “бурчак” (от).

पंचाक्षर “ўта мураккаб, беш маротаба қийин (асосан сўзларга нисбатан қўлланилади)” (сифат) = पंच pancha “беш” (сон) + अक्षर akshar “ҳарф” (от) ва ҳоказо.

Формуласи: сон+от=сифат

II модел. Мазкур моделга хос бўлган сўзлар таркибида санок сонлар ҳамда от сўз туркумига оид сўзлар иштирок этган бўлиб, улар отларга оид лексик бирликларни ташкил этмоқда. Жумладан:

एकपत्नी ekpatnii “вафодор хотин” (от) = एक ek “бир” (сон) + पत्नी patnii “хотин” (от); एकनिष्ठा eknishthaa “садоқат, ихлос” (от) = एक ek “бир” (сон) + निष्ठा nishthaa “ишонч, ихлос” (от); एकवचन ekvachan “бирлик” (от) = एक ek “бир” (сон) + वचन vachan “сон (грамматик сон)” (от).

द्विपथ dvipath “айрилиш, айрилиш жойи” (от) = द्वि dvi “икки” (сон) + पथ path “йўл” (от); द्विवचन dvivachan “иккилик” (от) = द्वि dvi “икки” (сон) + वचन vachan “сон (грамматик сон)” (от); द्विहृदया dvihridayaa “ҳомиладор” (от) = द्वि dvi “икки” (сон) + हृदया hridayaa “юррак” (от).

त्रिमास trimaas “йил квартали (уч ой)” (от) = त्रि tri “уч” (сон) + मास maas “ой” (от); त्रिपाल tripaal “чодир, ғилоф” (от) = त्रि tri “уч” (сон) + पाल paal “ҳимоя воситаси, чодир” (от).

चतुर्दोल chaturdol “тахтиравон” (от) = चतुर chatur “тўрт” (сон) + दोल dol “арғимчоқ, беланчак, тахтиравон” (от); चतुर्दिश chaturdish “ҳаммаёқ, барча йўналиш” (от) = चतुर chatur “тўрт” (сон) + दिश dish “томон, йўналиш” (от).

नवग्रह navgrah “тўққиз планета” (от) = नव nav “тўққиз” (сон) + ग्रह grah “планета” (от) ва ҳоказо.

Формула шакли: сон+от=от

III модел. Ушбу моделга мансуб сўзлар таркиби сон ҳамда сифатдан ташкил топган бўлиб, улардан сифатларга оид лексик бирликлар ясалмоқда. Масалан:

एकसमान eksamaan “баробар, тенг” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + समान samaan “ўхшаш” (сифат); एकबद्ध badh “бирлашган, ягона” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + बद्ध “боғлиқ, алоқадор” (сифат).

द्विपारश्विक dvipaarshvik “икки ёқлама (томонлама) (сифат) = द्वि dvi “икки” (сон) + पारश्विक paarshvik “ёндама, ёқлама” (сифат); द्विरुक्त dvirukt “такрорий” (сифат) = द्वि dvi “икки” (сон) + रुक्त rukt “такрорий” (сифат).

त्रैकोणिक treykonik “уч бурчакли” (сифат) = त्रै trey “уч” (сон) + कोणिक konik “бурчакли” (сифат).

चतुर्मुखी chaturmukhii “ҳар томонлама, ҳар тарафлама” (сифат) = चतुर chatur “тўрт” (сон) + मुखी mukhii “бош, олий” (сифат) ва ҳоказо

Формула шакли: сон+сифат=сифат



Татсама гуруҳига оид 49 та бирликлардан ясалган лексемалар таркибида асосан एक - “бир” санок сони иштирок этган бўлиб, улар ушбу гуруҳга оид барча моделлар таркибида ўз аксини топган. Кейинги ўринларда द्वि dvi - “икки” त्रि tri ва त्रै trey - “уч”, चतुर chatur - “тўрт”, पंच pancha - “беш”, नव nav – “тўққиз” каби бирликларга оид сонлардан ясалган қўшма сўзлар етакчи ўринни эгаллайди. Улар орасида энг маҳсулдор қолип сон+от=сифат моделига хос деб топилди. Кейинги ўринларда сон+от=от ва сон+сифат=сифат моделлари етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Тадбҳава гуруҳига оид, яъни морфонологик ҳодиса туфайли ҳосил бўлган сўзлар ҳам атрофлича ўрганилди. Бирликларга оид сонлардан ясалган барча сўзлар қуйидаги моделларга бўлиб таҳлил этилди.

I модел. Бундаги мисоллар таркиби сон, от ҳамда сифат ясовчи аффикслардан ҳосил бўлган. Жумладан:

एकसुरा eksuraa “бир оҳангли, оҳангдош, ҳамоҳанг” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + सुर sur “оҳанг” (от) + आ aa (аффикс); दोधारा dodhaaraa “икки тиғли, икки томони ўткир” (сифат) = दो do “икки” (сон) + धार dhaar “тиғ, ўткир уч” (от) + आ aa (аффикс); दोनाली donaalii “қўшоғиз” (сифат) = दो do “икки” (сон) + नाल naal “милтиқ оғзи” (от) + ई ii (аффикс); दोमुँहा domuNhaa “иккиюзлама” (сифат) = दो do “икки” (сон) + मुँह muNh “юз” (от) + आ aa (аффикс); दोफला dophalaa “икки тиғли, икки томони ўткир” (сифат) = दो do “икки” (сон) + फल phal “тиғ, ўткир уч” (от) + आ aa (аффикс); दोरसा dorasaa “икки хил таъмли, ўзгарувчан, омонат” (сифат) = दो do “икки” (сон) + रस ras “маза, таъм” (от) + आ aa (аффикс) ва ҳоказо.

Формула шакли: сон+от+аффикс=сифат.

II модел. Ушбу моделга хос бўлган сўзлар таркибида бирликларга оид санок сонлар ҳамда от сўз туркумига оид сўзлар иштирок этган бўлиб, улардан сифат сўз туркумига хос лексемалар ясалган. Масалан:

एकडाल ekdaal “бир хил” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + डाल daal “шоҳ, тармоқ” (от); एकतल्ला ektallaa “бир қаватли” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + तल्ला tallaa “қават” (от); एकरंग ekrang “бирдек, баравар, тенг” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + रंग tallaa “ранг” (от).

दोतल्ला dotallaa “икки қаватли” (сифат) = दो do “икки” (сон) + तल्ला tallaa “қават” (от).

छःकोना chhekonaa “олти бурчакли” (сифат) = छः chhe “олти” (сон) + तल्ला konaa “бурчак” (от) ва ҳоказо.

Формула шакли: сон+от=сифат

III модел. Мазкур моделга хос бўлган сўзлар таркибида санок сонлар ҳамда от сўз туркумига оид сўзлар иштирок этган бўлиб, улар отларга оид лексик бирликларни ташкил этмоқда. Жумладан:

पाँचपंच paaNchpanch “ақлли, ҳурматли одамлар” (от) = पाँच paaNch “беш” (сон) + पंच panch “одамлар, халқ” (от).

Формула шакли: сон+от=от

Тадбҳава гуруҳига оид таҳлил қилинган 32 та лексемалар таркибида ҳам асосан एक - “бир” санок сони иштирок этган бўлиб, улар ушбу гуруҳга оид барча моделлар таркибида ўз аксини топган. Шунингдек, ушбу гуруҳга оид мисоллар таркибида татсама гуруҳига оид мисоллардан фарқли ўлароқ ҳозирги ҳинд-орий тилларида кенг қўлланиладиган दो do -



“икки” पाँच paaNch - “беш”, छः chhe - “олти” каби бирликларга оид сонлар ҳам ўз аксини топган бўлиб, улар орасида энг махсулдор қолип сон+от+аффикс=сифат моделига хос деб топилди. Кейинги ўринларда сон+от=сифат ва сон+от=от моделлари етакчи ўринга эга. Тадбҳава гуруҳига оид сўзларда айнан санскритча шакл эмас, балки ўрта-ҳинд орий тиллари давридан янги ҳинд-орий тиллари даврига келгунига қадар фонетик ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган сўзлар ўз аксини топган.

Гибрид, яъни ўзлашма сўзлар таъсири остида ясалган сўзларнинг аксарияти араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардир. Уларнинг ясалиш усуллари куйидаги моделларга ўз аксини топди.

I модел. Мазкур моделга хос бўлган сўзлар таркиби сон ҳамда от сўз туркумига оид сўзлар ҳамда аффикслар қўшилиши натижасида ҳосил бўлган бўлиб, улар сифатларга оид лексик бирликларни ташкил этмоқда. Жумладан:

एकमंजिला ekmanzilaa “бир қаватлик” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + मंजिल manzil “қават” (от) + आ aa (аффикс); एकतरफा ektarfaa “бир томонлама” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + तरफ taraf “томон” (от) + आ aa (аффикс); एकदरा ekdaraa “бир табақалик (эшикка нисбатан)” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + दर dar “эшик” (от) + आ aa (аффикс); एकमहला ekmahlaa “бир қаватлик” (сифат) = एक ek “бир” (сон) + महल mahal “сарой” (от) + आ aa (аффикс).

दोतरफा dotarfaa “икки томонлама” (сифат) = दो do “икки” (сон) + तरफ taraf “томон” (от) + आ aa (аффикс); दोमंजिला domanzilaa “икки қаватлик” (сифат) = दो do “икки” (сон) + मंजिल manzil “қават” (от) + आ aa (аффикс); दोफसली dofaslii “иккита ҳосиллик” (сифат) = दो do “икки” (сон) + फसल fasal “ҳосил” (от) + ई ii (аффикс);

तितरफा titarfaa “уч томонлама” (сифат) = ति ti “уч” (сон) + तरफ taraf “томон” (от) + आ aa (аффикс) ва ҳоказо.

Формула шакли: сон+от+аффикс=сифат

II модел. Мазкур моделга хос бўлган сўзлар таркибида санок сонлар ҳамда от сўз туркумига оид сўзлар иштирок этган бўлиб, улар равишларга оид лексик бирликларни ташкил этмоқда. Масалан:

एककलम ekqalam “мутлақо, батамом” (равиш) = एक ek “бир” (сон) + कलम qalam “ручка” (от); एकज़बान ekzabaan “бир овоздан, якдиллик билан” (равиш) = एक ek “бир” (сон) + ज़बान zabaan “тил” (от); एकदम ekdam “дарҳол, дарров” (равиш) = एक ek “бир” (сон) + दम dam “нафас, ҳаёт” (от); एकज़ान ekjaan “бир овоздан, тўлиқ қўшилган” (равиш) = एक ek “бир” (сон) + जान jaan “ҳаёт, қалб” (от) ва ҳоказо.

Формула шакли: сон+от=равиш

III модел. Мазкур моделга хос бўлган сўзлар таркиби сон ҳамда санскрит тилидаги от сўз туркумига оид сўзлар ҳамда аффикслар қўшилиши натижасида ҳосил бўлган бўлиб, улардан отга оид лексемалар ясалмоқда. Жумладан:

दोभाषिया dobhaaShiyaa “таржимон” (от) = दो do “икки” (сон) + भाषि bhaShii “тил” (от) + या yaa (аффикс); तिद्वारी tidvaarii “дарвоза (уч табақали)” (от) = ति ti “уч” (сон) + द्वार dvaar “дарвоза” (от) + ई ii (аффикс) ва ҳоказо.

Формула шакли: сон+от(s)+аффикс=от



IV модел. Мазкур моделга хос бўлган сўзлар таркибида санок сонлар ҳамда форсча от сўз туркумига оид сўзлар, шунингдек, аффикслар иштирок этган бўлиб, улардан отларга оид лексик бирликлар ҳосил бўлмоқда. Масалан:

तिदरा timaahii “дарвоза (уч табақали)” (от) = ति ti “уч” (сон) + दर dar “дарвоза” (от) + आа (аффикс); तिमाही timaahii “квартила, йил чорағи” (от) = ति ti “уч” (сон) + माह maah “ой” (от) + ई ii (аффикс); छमाही timaahii “ярим йиллик, олти ойлик” (от) = छ ti “уч” (сон) + माह maah “ой” (от) + ई ii (аффикс) ва ҳоказо.

Формула шакли: сон+от(f)+аффикс=от

V модел. Мазкур моделга хос бўлган сўзлар таркибида санок сонлар ҳамда от сўз туркумига оид сўзлар иштирок этган бўлиб, улар отларга оид лексик бирликларни ташкил этмоқда. Жумладан:

एकचश्म ekchashma “ён томон” (от) = एक ek “бир” (сон) + चश्म chashma “кўз” (от); दोतारा dotaaraa “дугтор” (от) = दो do “икки” (сон) + तारा taaraa “юлдуз” (от) ва ҳоказо.

Формула шакли: сон+от=от

Гибрид, яъни таркибида сонлар билан биргаликда араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлар таҳлил этилиши натижасида, улар एक ek - “бир”, दो do - “икки”, ति ti - “уч”, छ: chhe - “олти” каби бирликларга оид сонлардан ясалганлиги маълум бўлди ва уларнинг сони 40 та мисолни ташкил этди. Улар орасида энг маҳсулдор қолип сон+от+аффикс=сифат моделига хос деб топилди. Кейинги ўринларда сон+от=равиш, сон+от(s)+аффикс=от, сон+от(f)+аффикс=от, сон+от=от каби моделлар етакчи ўринни эгаллади.

Хулоса: Юқорида олиб борилган таҳлил натижаларга кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ҳинд-орий тиллари гуруҳига хос бўлган ҳиндий тилидаги биринчи компоненти сонлардан ташкил топган двигу сўзлари лисоний жиҳатдан таҳлил қилинди ва уларнинг деривацион таҳлили амалга оширилди. Таҳлил натижаларига кўра улар татсама, тадбҳава ҳамда гибрид сўзларга хос деб топилди.

2. एक ek “бир” санок сони ҳам татсама, ҳам тадбҳава, ҳам гибрид сўзлар таркибида иштирок этган. Бирликларга оид қолган сонлар эса барча двигу сўзларида ўз аксини топмаган. Татсама гуруҳига оид двигу сўзларида एक ek “бир”, द्वि dvi “икки”, त्रि tri ва त्रै trey “уч”, चतुर chatur “тўрт”, पंच pancha “беш”, नव nav “тўққиз” каби қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилидаги бирликларга оид санок сонлар ўз аксини топган. Тадбҳава гуруҳига оид двигу сўзлари таркибида एक ek “бир”, दो do “икки”, पाँच paanCh “беш”, छ: chhe “олти” ва гибридларга оид двигу сўзлари таркибида эса एक ek “бир”, दो do “икки”, ति ti “уч”, छ: chhe “олти” каби санок сонлар иштирок этган.

3. Таҳлил натижаларига кўра санскритча नव nav “тўққиз” санок сони фақатгина татсама гуруҳига оид двигу сўзлари таркибида иштирок этганлиги кузатилди. Таъкидлаш жоизки, бирликларга хос бўлган सात saat “етти” आठ aath “саккиз” каби санок сонлар двигу сўзлари таркибида учрамади.

4. Мисоллар орасида татсама гуруҳига оид двигу сўзлари кўпчилик мисолларни ташкил этган бўлиб, улар 40,5 %ни ташкил этди. Кейинги ўринни гибрид сўзлар гуруҳига оид лексемалар эгаллаган бўлиб, улар 33% га тенг эканлиги маълум бўлди. Тадбҳава гуруҳига оид двигу сўзлари эса 26,5 %дан иборат. Таҳлил натижаларига кўра двигу қўшма сўзларининг аксарияти композиция усулида ясалган.



5. Таҳлилга тортилган барча двигу сўзлари 11 та моделга тақсимланди ва уларнинг формула шакллари мисоллар талқинида очиб берилди. Таҳлил натижаларига кўра татсама ва тадбҳава гуруҳига 3 тадан 6 та модел хос деб топилди ва улар орасида сон+от=сифат (татсама гуруҳида), сон+от+аффикс=сифат (тадбҳава гуруҳида) каби моделлар маҳсулдор қолипларга оид эканлиги кўрсатиб берилди. Гибридларга оид двигу сўзлари орасида ҳам аксарият мисоллар сон+от+аффикс=сифат моделига хос эканлиги аниқланди. Шунингдек, гибрид сўзлар гуруҳига оид двигу сўзлари иккита муштарак моделга бўлиб ўрганилди. Уларнинг биринчи компоненти сонлардан ташкил топган бўлса, иккинчи компонентида санскритча (сон+от(s)+аффикс=от) ва форсча (сон+от(f)+аффикс=от) отларга оид сўзлар ўз аксини топган.

6. Ўзбекистонда жихати шундаки, татсама гуруҳига оид барча двигу сўзларининг ясалишида тадбҳава ва гибрид сўзлар гуруҳидаги мисоллар таркибида учраган аффикслар иштирок этмаган. Тадбҳава ҳамда гибрид сўзлар гуруҳига оид двигу сўзларининг ясалишида эса от ва сифат ясовчи аффикслар ҳам иштирок этган. Шунингдек, татсама ва тадбҳава гуруҳига оид двигу сўзларининг биринчи компонентида от ва сифатлар қўшилиши натижасида улардан фақатгина от ёки сифатларга оид лексемалар ҳосил бўлган бўлса, гибридлар гуруҳига оид двигу сўзларининг ясалишида от ва сифатлардан ташқари улардан равишларга оид лексемалар ҳам ҳосил бўлганлиги аниқланди.



“КАМБАРАМАЯНАМ” ДОСТОНИНИНГ ФИЛОЛОГИК МОҲИЯТИ

МУРТАЗАХОДЖАЕВА МАКТУБА

Катта ўқитувчи, ТДШУ

Аннотация. Ушбу мақола буюк ҳинд эпоси “Рамаяна” нинг аслияти билан Жанубий Ҳиндистонда Камбн томонидан яратилган “Рамаяна” ни филологик жиҳатдан чоғиштириш масалаларини ёритишга бағишланган. Маълумки, ҳинд диёри асори атиқаларга, ҳинд адабиёти эса дурдона асарларга бой. Ҳиндистон халқлари адабиёти ўзининг серқирралиги ва кўп тиллилиги билан дунё тамаддунида ўзига хос ўрин эгаллайди. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан бўлиши “Рамаяна” достони кейинчалик буюк шоир Валмики томонидан етук бир асар сифатида дунё юзини кўрди ва бу асар нафақат Ҳиндистонда мавжуд тилларга таржима қилинди, балки дунё тилларига ўғирилди. Ўрта асрга келиб тамил адабиётига ҳам таржима асарлар кириб кела бошлади, жумладан, тамил шоири Камбн томонидан “Рамаяна” нинг таржима қилиниши, уни янги сюжет ва эпизодлар билан бойитилган ҳолда мустақил асар сифатида яратилиши диққатга сазовордир. Мазкур мақола тамил адабиётининг ривожланиш босқичларига қисман тўхталган ҳолда иккита мустақил асар Валмики “Рамаяна” си ва Камбннинг “Рамаяна” сининг ўзига хос жиҳатлари ва тафовутлари натижаларини ўзида мужассам этади.

Таянч сўз ва иборалар: тамил адабиёти, тамил адабиётининг ривожланиши, Валмики, “Рамаяна”, “Камбнрамаяна”, “Болалик китоби”, янги қаҳрамонлар, эпизодлар.

Аннотация. Данная статья посвящена вопросам филологического сравнения с оригинальным индийским эпосом «Рамаяна» и «Рамаяна», созданными Камбном в Южной Индии. Известно, что индийская литература богата древностями, а индийская литература богата шедеврами. Литература народов Индии с ее многогранностью и многоязычием занимает особое место в мировой